Ушбу сонда:
2 ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙЛИК
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 ЖУМА ЎГИТЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 28 май, жума № 86 (1719)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Жарқўрғон тумани Тўхта Шобуров номли ширкат хўжалигида 430 гектар ерда ғалла етиштирилди. Ўтган йили ҳосилдорликни 50 центнерга етказган миришкорлар бу йил ҳам мўлжалдаги ҳосилни кўтариш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Айни пайтда Ҳавдак массивидаги 150 гектар чўл зонасидаги буғдой ўримига киришилди. Далага учта «Кейс» комбайни, ўрилган ғаллани ташиш учун тўртта автомашина ва 4 та прицеп чиқарилди. Кунига 60-70 гектар ердаги ғалла ўрилиб, хирмонга келтирилмоқда.

Ўримни 10-июнга қадар тугатишни режалаштирган деҳқонлар ҳозирда бўшаган майдонларда қайта экишни бошлаб юбордилар.

***Суратда: комбайн операторлари Э.Нормуродов, Т.Худоёров, Ё.Холмуродов, Б.Абдураҳмонов ва З.Муҳаммадиевлар.***

**И.ХЎЖАЕВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## ФРАНЦИЯ СЕНАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Франция Сенати аъзоси Амбруаз Дюпон раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, демократик институтларнинг самарали фаолият юритиши учун яратилаётган шароитлар юзасидан фикр алмашилди.

Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов ҳамда парламентимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан бўлган суҳбатда қонунчилик соҳасида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, парламентлараро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш масалалари асосий мавзу бўлди. Томонлар мазкур йўналишлардаги алоқаларни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Франция Сенати делегацияси аъзолари мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ҳам музокаралар ўтказди.

**(ЎзА)**



## СУРХОННИНГ ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

Бу йил ҳам Сурхон воҳаси ғаллакорлари ўрим-йиғим мавсумини биринчилардан бўлиб бошлашди. 101 минг гектар майдондаги ғалла пишиб етилди. Ғаллакорлар мавсумда 400 минг тоннадан зиёдроқ дон йиғиштиришни мўлжаллашган.

Ўримни Музработ тумани деҳқонлари бошлаб беришди. Ҳозир вилоятнинг деярли барча туманларида бу иш қизғин паллага кирди. Ҳар куни минг гектардан ортиқ майдондаги ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Ҳозиргача вилоят хирмонига 15 минг тонна дон тўкилди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил ўртача 34,6 центнерни ташкил этмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида

***Ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафаккур хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда буюк алломалар ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Қайд этилсинки, ушбу Марказ таркибига Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаси ҳам киритилади.

Марказ фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган Бошқарув кенгаши таркиби маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин:

- ноёб меъморий иншоот ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш;
- ушбу муқаддас қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;
- Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асарларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби азалий қадриятларни халқимизга етказиш;
- диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса ёшларни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётбахш ўгитларидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бир ой муддатда Марказ Низомини тасдиқлаш, уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш тавсия этилсин.

4. Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бухоро вилоят бўлимида очиладиган ҳисоб рақами Ўзбекистондаги юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва хорижий фуқароларнинг хайрия маблағлари учун очиқ экани қайд этилсин.

Мазкур маблағлар Марказ фаолиятини ташкил этиш ва доимий такомиллаштириб бориш, ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш учун йўналтирилиши кўзда тутилсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш, жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда Марказга тегишли ёрдам кўрсатсинлар.

6. Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда Марказга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлигига республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдлари маънавий меросининг аҳамияти ва моҳиятини очиб бериш, бу улуғ зотларнинг ҳаётини ўрганиш, номларини улуғлаш, эзгу ўгитларини тарғиб қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларни янада кенгроқ ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов ва Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 май

*Бир Фармон шарофати*

## ТАДБИРКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

***Элликқалъа халқаро ривожланиш ва тараққиёт лойиҳаси асосида жаҳон банкининг маблағи ҳисобидан молиялаштирилган мамлакатимиздаги бешта туманнинг бири. Ҳудуд агроиқтисодиётини юксалтиришга қаратилган тадбирлар ўзининг ижобий самарасини беряпти.***

Республика Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ишбилармонлик ва тадбиркорлик тараққиёти учун кенг йўл очди. Қишлоқ хўжалик тармоғи тўлиқ фермерликка ўтган туманда минглаб кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб турибди. Улар томонидан бир йилда 708 миллион 849 минг сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди, 14 миллион сўмлик ҳар хил хизматлар кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ «Боғёп» ширкати фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилган эди. Ўшандан бери бир йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Деҳқонда ерга эгалик ҳисси шаклланганлиги ижобий натижасини кўрсатди. Давлатга пахта, пилла ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш шартнома режалари ошириб бажарилди.

Пахтачилик билан шуғулланадиган 42 та деҳқон-фермер хўжалигидан 35 таси йилни фойда билан якунлади. «Саидазизбек», «Мавлон Қулимбет», «Эл нурлан», «Рашид Шомуратов» фермер хўжаликларининг олган фойдаси 2 миллион сўмдан 6,5 миллион сўмга етди. Минерал ўғит, техника, ёқилғи-мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланилганлиги эвазига маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

Баҳорда юз берган табиат инжиқликларига қарамасдан ғўза парвариши кучайтирилиб, ғалла ўрим-йиғимига пухта ҳозирлик кўриляпти.

Бошқа тармоқларда ҳам ривожланиш ёмон эмас. Саидмамат Олимов раҳбарлик қилаётган «Наврўз» хусусий корхонасининг 11 кишилик ёрдамчи цехи аҳолини нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлаяпти. Янги замонавий савдо дўконини қуриб фойдаланишга топширган тадбиркорлар печенье ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тадоригида юришибди.

«Тоза боғ» овул фуқаролар йиғинидан Гулнора Дурдиеванинг қўлда тўқилган гиламлари, Бўстон шаҳридан мискар Фаҳриддин Саидовнинг темир ва пўлатдан ясалган буюмлари, Алишер Навоий номли фуқаролар йиғинидан маҳаллий тасвирий санъат ишқибози Ўринбой Исмоиловнинг чизган ранг-баранг расмлари, ҳунарманд-темирчи Даврон Бердиев, бош кийим тикувчи Адилбек Қулимбетов, дурадгор Шокир Реймбоев, этикдўз Бердибой Йўлдошев, ўқувчи қиз Дилором Кенжаеваларнинг тиккан кийим-кечаклари кўрик-танловда совринли ўринларни эгаллаган.

Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидан маълум қилишларича, «Боғёп» деҳқон-фермер уюшмасидан фермер О.Жумашев, «Наврўз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари тадбиркор С.Олимов, Ғ.Одилов ширкат хўжалигидан ҳунарманд Р.Собуровларнинг меҳнати муносиб тақдирланиши уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Ишбилармонларнинг саъй-ҳаракатлари билан истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайиб, аҳолига хизмат кўрсатиш савияси яхшиланиб бормоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## БОЛАЛИККА ҒУБОР ҚЎНМАСИН

Болалик - инсон ҳаётининг беғубор фасли. Ота-она учун фарзандининг саломатлигидан ортиқ давлат борми? Бироқ баъзан уларнинг эътиборсизлиги туфайли бола кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби хатарли иллатларга мубтало бўлиши мумкин.

1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан Жиззах вилоятининг Ғаллаорол шаҳрида ўтказилган илмий-амалий семинарда ана шулар хусусида сўз борди.

- Туманимиз аҳолисининг ярмига яқинини вояга етмаганлар ташкил қилади,- дейди Ғаллаорол туман «Соғломлаштириш маркази» бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Аҳмад Маҳмудов. - Туманимизда болалар саломатлиги доимий назорат остида. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича изчил иш юритилмоқда. Ўқув муассасаларида болалар ўртасида кашандалик, гиёҳвандлик каби зарарли иллатларнинг олдини олишга бағишланган тадбирлар мунтазам ўтказилиб турибди.

Тадбирда аҳоли, жумладан, болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш ва жонлантириш лозимлиги таъкидланди.

### МАКТАБДАГИ ОРОМГОҲ

Қашқадарё вилоят марказидаги 9-мактабда ўқувчиларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказишлари, ўқув йили давомида олган билимларни мустаҳкамлаб боришлари учун махсус оромгоҳ ташкил этилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Қарши шаҳар таътил ресурс маркази ташаббуси билан ташкил этилган оромгоҳда ўқувчилар интернет орқали инглиз тилини ўрганиш имконига эга бўладилар. Машғулотларни Тинчлик корпуси ва IREX (АҚШ) гранти асосида ташкил этилган интернет маркази мутахассислари олиб боради.

### ЁЗГИ ТАЪТИЛГА ЭЪТИБОР

Сирдарё вилоятидаги барча шаҳар ва туманлардан икки мингга яқин бола ёзги таътилни Сирдарё соҳили ҳамда Зоминнинг хушманзара масканларида жойлашган тўққизта болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказади.

- Корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларининг ҳомийлик ёрдами туфайли барча ётоқхоналар, ўйин майдончалари ва аттракционлар тўлиқ таъмирланди, - дейди Сирдарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси К.Оқбўтаев. - Оромгоҳларни мебел ва турли жиҳозлар билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилди.

Оромгоҳларга йўлланмаларнинг ўн фоизи кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул берилади.

**(ЎзА)**

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК - БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқлардан бири - жамиятда миллатлараро тотувликнинг сақлаб қолинганидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда ва уларнинг ҳаммаси демократик давлат, кучли рақобатбардош иқтисодиётни қуриш мақсади йўлида бирлашган. «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» доимий фаолият кўрсатувчи республика семинарининг навбатдаги мажлисида шу ҳақда сўз юритилди. У Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги нутқида баён этилган вазифаларни кенг ёритиш бўйича тадбирлар дастури доирасида ўтказилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган бу галги мажлис миллатлараро муносабатлар соҳасида ижтимоий тадқиқотларни ривожлантириш масалаларига бағишланди ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Ўзбекистон Миллий университети билан биргаликда ташкил этилди. Унда академик институтлар ва олий ўқув юртларидан социологлар, тарихчилар, файласуфлар, миллий маданий марказлар, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

«Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева мажлисни очар экан, жамиятимизда миллатлараро тотувликнинг мустаҳкамланиши ижтимоий барқарорлик, мамлакат ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида ривожланишнинг муҳим омили эканлигини таъкидлади. Бу соҳада жамоатчилик фикрини ўрганиш республикада тинчлик ва фуқаролар ҳамкорлиги муҳитини сақлаб қолишга қаратилган давлат чораларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мажлис қатнашчилари бу долзарб мавзу кенг тадқиқотлар олиб бориш, янги, янада аниқроқ ижтимоий услубларни яратишни талаб этишини қайд этишди. Муҳокама натижаларига кўра, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ўрганиш соҳасида олимлар ва мутахассислар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**(ЎзА)**

***Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқларининг устувор ҳимоячисидир. Жамоа шартномалари эса ишчи-хизматчилар манфаатларини қонуний йўл билан кафолатлаб берувчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Вобкент туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий- иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда ғамхўрлик қилиш оммавий спортни ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон ва ёлғиз қариялар, ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлашда ибратли ишларни амалга оширмоқда.***

## ИНСОН ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА жон-дилдан ишлайди

Тасарруфида 449 та бошланғич ташкилот, 16 минг 158 нафар касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган тармоқ қўмитаси туман иқтисодини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Қолаверса, туман нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ўзига хос мавқега эга. Бундай иқтисодий ўсиш, маҳсулот сифати, иш унумдорлиги биринчи навбатда меҳнат шароитига, ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлигига боғлиқ. Жамоа шартномасига асосан меҳнаткашларга турли имтиёзлар учун туманда 195 миллион 861 минг сўм сарфланган. Бу борада Д.Бобоқулов, Ҳ.Камолов номли, «Ҳайдаробод», «Зарафшон», «Зарбдор» ширкат хўжаликларида алоҳида дастур асосида иш олиб борилмоқда. Ишловчилар учун 6 кунлик иш ҳафтаси, 8 соатлик иш куни жорий этилган. Шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасидаги шартномага асосан ҳафтанинг бошқа кунларида ҳам дам олиш имконияти яратилган. Ундан айни вақтда 2 минг нафардан ортиқ ходим фойдаланмоқда. Зарарли иш шароитида ишловчиларга иш куни 2 соатга қисқартирилиб, меҳнат таътилига 6 кун қўшиб бериш йўлга қўйилган. 300 нафарга яқин киши бундай қулайликдан баҳраманд.

– Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш-ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, яхши раҳбар аввало меҳнат кишисини улуғлайди. Инсон меҳнати қадрланган жойда ишда унум бўлади, янгиликларга интилади. Шу боисдан ҳам қўмитамиз фаолияти меҳнат кишисини қадрлаш, иш шароитларини яхшилашга қаратилган, – дейди туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ражаб Тўраев. – Айни кунда тизимда ишловчиларнинг кўнгилли дам олишлари ва маданий-маиший эҳтиёжлари учун 140 та дала шийпони, 11 та маданият уйи, 41 та кутубхона, 140 га яқин савдо шахобчалари, 61 та сартарошхона, 32 та ҚВП ҳамда юзлаб маиший хизмат уйлари ва умумий овқатланиш шахобчалари ишлаб турибди. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб улғайишлари учун 46 та доимий болалар боғчаси, 3 та академик лицей, 15 дан ортиқ спорт ўйингоҳлари, 50 га яқин спорт майдонлари фаолият кўрсатмоқда.

Туманда меҳнатни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 4 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳар бир меҳнаткашни ижтимоий ҳимоялаш учун 60 минг 216 сўм сарфланмоқда.

Меҳр-саховат, муҳтожларга мурувват кўрсатмоқ, бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшма аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу оммавий ташкилотнинг нуфузини оширмоқда. Ҳ.Камолов номли ширкат хўжалигида ўтган йили 75 кишига 917 минг сўмлик моддий ёрдам, ногиронларга 222,5 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва 53,5 минг сўмлик нақд пул, кўп болали оила фарзандларини оромгоҳларда дам олишлари учун 700 минг сўмлик саховат ёрдами кўрсатилди. Меҳнат илғорларини рағбатлантириш учун 2 миллион сўмлик совға-саломлар берилди.

Машина-трактор парки акциядорлик жамияти ишчилари учун бепул тушлик жорий этилди. Зарарли шароитда ишлаётганларга сут ва сут маҳсулотлари мунтазам бериб борилди. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларни ишга бориб-келишлари учун махсус автобус ажратилди.

«Зарбдор» ширкат хўжалигида эса кам таъминланган оила фарзандларини оромгоҳларда бепул дам олишлари ташкил этилди. Шунингдек, халқ банкида 5 нафар ночор оила фарзандларининг омонат дафтарчалари очилиб, кўп болали оила фарзандлари учун 2450 минг сўмлик ўқув қуроллари, мактаб формалари олиб берилди. Олий ўқув юртида ўқийдиган ширкат хўжалиги аъзоларининг 10 нафар болалари учун 4 миллион сўмлик шартнома пуллари хўжалик ҳисобидан кўчирилди. Бундан ташқари, 101 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам уюштирилди.

Хуллас, барча хўжалик ва корхоналарда бу савобли иш учун маблағ ажратилиб, жамоа шартномаси бандлари босқичма-босқич бажарилишига эришилди.

Оила – жамиятнинг устуни. Тармоқ қўмитаси оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш ниятида турли тадбирларни ўтказмоқда. 190 та кам таъминланган кўп болали оилаларга эса 1 миллион 306 минг сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. 110 та кам таъминланган оилаларнинг 150 нафар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формалари олиб берилди. Шунингдек, 13 нафар ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун моддий ёрдам уюштирилди. Булардан ташқари, кўп болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди.

*Нуқтаи назар*

Тизимда меҳнат қилиб, айни кунда қарилик гаштини сураётган фахрийлар, уруш қатнашчилари ва ногиронларига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш анъанага айланган. Улар билан тез-тез учрашувлар уюштирилиб, тажрибалари ўрганилади. Байрамларда нуронийларга совға-саломлар уюштирилади. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш қатнашчилари учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди, совға-саломлар инъом этилди. Шунингдек, байналмилалчи жангчилар, меҳнат фахрийларига 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз қарияларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, тизимда амалга оширилаётган ҳар бир эзгу иш, ҳар тадбир замирида халқимизга хос меҳр-мурувват, саховат каби фазилатлар ўз аксини топмоқда. Бу эса иқтисодиётни ривожлантириш, маънавиятни юксалишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ўз ўрнингни топа бил*

# ИЖТИМОИЙ МУЛОҚОТ – АМАЛДА

Иқтисодиёт тизимини такомиллаштирилиши, мулкчилик шаклларини ўзгариши, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ва хусусий тадбиркорларнинг кўпайиши касаба уюшмалари олдига бозор иқтисодиётига хос бўлган янги муаммоларни қўймоқда.

Бугунги кундаги ҳақиқий воқелик шундаки, Республика касаба уюшмаларининг янгича иқтисодий шароитлардаги асосий йўналишлари аниқ-равшан белгилаб олинган, касаба уюшмаларининг ҳимоявий вазифаларини, яъни даставвал иш ҳақини тўлаш, бандлик, хавфсизлик шароитларини яратиш масъулиятини шарт қилиб қўйди. Меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш ва бошқа йўналишлар эса ёрдамчи йўналишларга айланди.

Ижтимоий шерикчилик тамойили касаба уюшмаларидан тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишни, ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида иш услубларини қайта кўриб чиқишни, фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятига жавоб бермайдиган органларни тугатишни талаб қилмоқда. Бу эса аъзоларимизни суд орқали ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш, аъзоликка ундовчи омилларни кучайтириш борасида барча даражадаги касаба уюшма органлари ишини фаоллаштириш, касаба уюшма кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини юксалтириш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, бугун тизилма вазифаларни эмас, балки вазифалар тузилма қандай бўлишини кўрсатиб бермоқда.

V

Айни пайтда, касаба уюшмалари ҳаракатининг ҳозирги босқичида талайгина муаммолар пайдо бўлаяптики, уларни ҳал этишга қуйидаги омиллар ҳам тўсқинлик қилмоқда:

- тармоқларда ва миллий миқёсда иш берувчиларнинг тўлақонли, тўла ҳуқуқли бирлашмаси мавжуд эмаслиги кенг қамровли жамоа музокараларини йўлга қўйиш имконини бермаяпти;

- баъзи ижтимоий стандарт ва кўрсаткичларни қонун томонидан тан олиш муаммоси ҳал бўлмаган.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги ва хусусий корхоналарда жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш кўлами ҳам пастлигича қолмоқда. Йирик қўшма корхоналарнинг фақат 50 фоизида касаба уюшма ташкилотлари тузилган.

Ишсизлик муаммоларига ҳам касаба уюшмалари ташвишланарли ҳол сифатида қарашмоқда. Чунончи, ишсизлик кўлами аста-секинлик билан бўлса-да кенгаймоқда. Расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони иқтисодий фаол аҳолининг 0,5 фоизидан кам миқдорни ташкил этса-да, 400 мингга яқин фуқаролар вақтинча ишсиз, иш билан таъминланишига муҳтождир.

Айни вақтда ходимларнинг бир қисми тўлиқсиз иш куни ёки ҳафтаси шароитларида ишламоқда, маъмурият ташаббуси билан ҳақ тўланмайдиган таътилларга чиқарилмоқда, бу ҳам ишсизликнинг яширин шаклидир.

Иш қидираётган шахс сифатида расмий рўйхатдан ўтган шахсларнинг 60 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил қилади.

Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан расмий рўйхатдан ўтган ишсизларнинг фоиз ҳисобидаги энг кўп миқдори Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятларига тўғри келади.

Республикамизнинг ҳар бир минтақасида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан «Бандлик» дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида фаолият олиб борилмоқда.

Умуман Республика бўйича ҳар йили 400-450 минг янги иш ўринлари барпо этилади. Лекин уларнинг 70-75 фоизи деҳқон, фермер хўжаликлари ва кичик бизнес ҳисобига, яъни ўзини-ўзи банд қилувчи аҳоли ҳисобига яратилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш масалаларида касаба уюшмалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари, иш берувчилар, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Иш ҳақи соҳасида реал иш ҳақининг ўсиш суръатлари муаммоси мавжуд.

Қатор тармоқларда иш ҳақининг унумли меҳнатга ундовчи роли пасайиб кетмоқда, ҳаракатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари меҳнат сарфини тўла ҳисобга олмайди ва ишлаб чиқариш унумдорлигини юксалтиришни рағбатлантирмайди.

Баъзи иш берувчиларда, энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тўловларни ҳам ходимларга камайтириб тўлашга интилиш сезилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари ва ходимлар тоифалари ўртасида иш ҳақи миқдоридаги табақаланишлар тобора ошиб бораяпти.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг норматив-ҳуқуқий негизи бугунги кун талабидан ортда қолмоқда. Иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг меҳнатни меъёрлаштириш масалаларига эътибори сусайган. Кўплаб корхоналарда меҳнат меъёрлари охирги 10-15 йил ичида қайта кўриб чиқилмаган. Баъзи корхоналарда тўланадиган ҳақини оширмай туриб, ходимнинг мажбуриятлар доирасини аста-секин кенгайтириш, унга қўшимча вазифаларни юклатиш тенденцияси мавжуд. Касаба уюшма органларининг розилиги билан айрим хўжалик бирлашмаларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг бошқарув органларида юқори лавозимдаги мансабдор шахсларнинг тариф коэффициентларини оширишга йўл қўйилиб, баъзида бунинг эвазига ишчиларнинг тариф коэффициентлари пасайтирилган.

Қатор тармоқларда касаба уюшма Марказий қўмиталари иштирокида қабул қилинган амалдаги келишувлар ва бошқа норматив ҳужжатларда меҳнатга ҳақ тўлаш тарифлари, тармоқ бўйича энг кам иш ҳақи, қўшимчалар устамалар, компенсация тарзидаги тўловлар миқдорини белгилаб қўйиш масалалари, иш ҳақи тўлаш муддатларини кечиктирганлик учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги ҳамда келишувлар ваколатига кирувчи меҳнатга ҳақ тўлашга оид бошқа масалалар ўз аксини топмаган.

**Э.ЁҚУБОВ**

(Боши ўтган сонларда.)



М.Қодиров (ЎзА) олган суратлар



Тошлоқ туманидаги «Бош пиллахона» масъулияти чекланган жамияти бу йил 3430 қути ипак қурт уруғидан 187 тонна саноатбоп пилла ва 13 тонна уруғлик пилла етиштиришни режалаштирган.

Бугунги кунда тумандаги тўққизта ширкат хўжалиги пиллакорлари томонидан 45 тонна сифатли пилла қабул қилинди. Бу ерда «Ўзбекистон-5» навли саноатбоп қурт уруғи парваришланди.

***Суратларда: ишчи Шоира Турдиева; (чапдан) лаборант Йигиталиев пиллани навларга ажратмоқдалар.***

# ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Аёл борки, олам мунаввар. Мустақиллик хотин-қизларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини оширмоқда. Улардаги ноёб қобилиятни юзага чиқаришга кенг имкониятлар яратмоқда.

Бунга «Қўнғирот» тумани тадбиркор хотин-қизлар фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Туманда фаолият кўрсатаётган 1000 дан ортиқ ишбилармонларнинг 415 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 220 дан ортиғи тижорат, 12 нафари кичик ва якка тадбиркорлик билан машғул бўлса, 180 нафардан ортиғи деҳқончилик, чорвачилик ва паррандачиликка йўналтирилган хўжаликларга бошчилик қилишяпти.

Тадбиркорликда ўзини синаб кўрмоқчи бўлганларга биринчи навбатда пул маблағи асқотади. Буни хис қилган туман хотин-қизлар қўмитаси уч йилдирки, «Давлат» нодавлат ва нотижорат ташкилоти» билан ҳамкорлик қилмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи хотин-қизларга кичик кредитлар беришнинг йўлга қўйилганлиги ижобий самаралар бермоқда.

Бугунги кунгача мазкур ташкилот орқали биргина «Олтинкўл» фуқаролар йиғинида яшовчи 580 нафар хотин-қизларга 90 миллион сўмдан зиёд кредитлар берилди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси бу билан кифояланиб қолаётгани йўқ, албатта. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, туғма ногиронликнинг олдини олиш юзасидан истиқболли режалар ишлаб чиқиш, ёшларни никоҳга тайёрлаш, оила тиббий маданиятини яхшилаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув даргоҳлари, қишлоқ ва маҳаллаларда ушбу мавзуда суҳбат ва учрашувлар ўтказиб борилияпти.

Айниқса, қўмитанинг «Меҳр ва мурувват йили» да олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда 6 нафар болага ногиронлик аравачаси тортиқ этилди. Хўжайли шаҳридаги 1-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига ҳам совғалар улашилди.

Ҳа, Қўнғиротда ҳам савобталаб, меҳр-оқибатли кишилар жуда кўп. Улар орасида тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизларнинг ҳам борлиги кишини хушнуд этади.

**Б.ЭРНАФАСОВ**

*Касаба уюшмаларида ҳисобот - сайловлар олдидан*

***Касаба уюшма ташкилотларида навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланишига ҳам оз вақт қолди. Шу йилнинг август-октябр ойларида бошланғич ташкилотларда, ноябр-декабр ойларида эса туман, шаҳар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар тармоқ касаба уюшма қўмиталарида, келгуси йилнинг январ-феврал ойларида тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари, ҳудудий кенгашларда ана шундай йиғилишлар бўлиб ўтади. Уларда ўтган беш йиллик фаолиятга баҳо берилиб, натижалар сарҳисоб этилади. Шу билан бирга йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари, ечимини кутаётган муаммолар хусусида алоҳида гап боради.***

# ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Республика автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ва унинг жойлардаги вакилликларида ҳам муҳим тадбирга тайёргарлик жараёни кетмоқда. Жумладан ҳисобот-сайловларни зўр уюшқоқлик, танқидий руҳда ўтказиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ҳамда Тошкент вилоятларида ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Кейинги вақтларда тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси бозор шароитида ўз иш услубини такомиллаштириб бормоқда. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда янги-янги шаклларни излаб топишга ҳаракат қилаяпти. Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш энг муҳим вазифа деб қаралмоқда.

Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг Тошкент вилояти вакиллигида аъзолар сони 14 минг 538 нафарга етиб, уларнинг сони ҳисобот даврида 2273 кишига кўпайди. 2003-2004 йиллар учун «Тошвилтранс» акциядорлик бирлашмаси ҳамда «Тошавтойўл» йўл қурилиши ҳудудий шўъба ташкилотлари билан ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича битим тузилган бўлиб, улардаги мавжуд бандларнинг бажарилиши таҳлил этиб борилмоқда.

«Меҳнатни муҳофазалаш тўғрисида»ги қонун асосида ишчи-хизматчи 50 нафардан зиёд бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофазалаш хизмати ходими штати ташкил этиш лозим эди. Шу боисдан «Ўзавтойўл» компаниясига қарашли йўл ташкилотларидан 21 тасида мазкур лавозим қайта тикланди. Натижада вилоятдаги тармоқ корхоналари ҳамда ташкилотларида жароҳатланиш сони камайиб бормоқда. Ўтган йили меҳнат муҳофазаси тадбирларига 68 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу эса ҳар бир тармоқ ишчи-хизматчисига 4700 сўмдан тўғри келади. Жойлардаги меҳнатни муҳофаза этиш ишларини янада яхшилашда ўтказилаётган кўрик-танловлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йил якуни бўйича «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини яхши ташкил этиш» юзасидан «Тошавтойўл» бирлашмасининг Чиноз туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси касаба уюшма қўмитаси кўрик-танлов ғолиби деб топилди ва муносиб тақдирланди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, пул мукофотлари, нафақа ҳамда компенсациялар тўлаш бўйича жамоа шартномаларига 1180 та банд киритилган бўлиб, шундан 999 таси бажарилди. Уларнинг тўлиқ бажарилмаётганлигининг асосий сабабларидан бири корхоналарда дебитор қарзларининг мавжудлигидир. Нархларнинг ўзгариши, инфляция даражаси ҳисобга олинган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш юзасидан қабул қилинган бандларнинг деярли ҳаммаси бажарилди. Ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари юзасидан ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилди.

Лекин тармоқ касаба уюшма Тошкент вилоят вакиллиги камчиликлардан ҳоли эмас. Маълумки кейинги вақтда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этишда жамоа шартномалари касаба уюшма ташкилотларининг асосий воситасига айланди. Лекин шунга қарамай вилоят вакиллигидаги 8 та корхонада, шу жумладан, Бўстонлиқдаги 125-, Бўкадаги 122-автокорхоналарда, Янгийўл шоҳ бекатларида жамоа шартномаси тузилгани йўқ. Мана шундай муҳим ҳужжат қабул қилинмаган экан, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Шу билан бирга тармоқ корхоналарида касаба уюшма аъзолари сонини кўпайтириш долзарб вазифалардан. Айниқса, хусусий ҳайдовчилар билан ишлашни яхшилаш, уларни касаба уюшмалари сафига тортиш масаласи юзасидан ҳали кўп қилиниши зарур.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***«...Бой бува, - дедим, - энди-ку савдомиз пишди.Шариат юзасидан мол сотганда ҳамма айбини айтиб сотса ҳалол бўлар экан. Менинг ҳам бир айбим бор, шуни бошида айтиб қўйганим яхши. Айбим шуки, ёшлигимдан одат бўлиб қолган, ҳар замон – ҳар замонда беихтиёр ёлғон гапириб қўяман, шунда койимасангиз бас...»***

***Севимли адибимиз Ғафур Ғуломнинг машҳур «Шум бола» қиссасидан олинган бу парча кўпчиликка таниш. Шум боланинг ёлғони бойни не кўйга солганлигини яхши биласиз. Лекин биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеалар мазмуни билан танишгач, «қаҳрамонимиз» Тўрақул Норқобилов бу масалада шум болани ҳам аро йўлда қолдириб кетибди-да, дейсиз.***

***Эътиборингизни Нуристон кўрғончаси 1-миттитуман 15-а уйнинг 9-хонадонида истиқомат қилаётган Меҳринисо Файзуллаеванинг хатига қаратамиз.***

# РАҲБАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

***Лавозим курсисида ўтирган... баъзи шахслар ўзининг номаъқул ишларини яширишга қанчалик уринмасин, одамлар шу жойда адолат тамойиллари бузилишига қараб, бундай раҳбарларнинг издан чиқиб кетганини барибир сезади, билади.***

*(Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан)*

«Йигирма йил давлат ишида ишладим. Фарзандларимни боқиш, вояга етказиш аёл кишига осонмас. Мутахассислигим бўйича ишга жойлашиш мақсадида Нуристон коммунал-хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбари Тўрақул Норқобиловга мурожаат қилганимда иш топиб беришни ваъда қилиб, ариза ёздириб олгач, зарур ҳужжатларни тахлаб бердим. «Ўзимиз чақирамиз, сиз ишга кирдингиз» деб мени ишонтирди хайрлашаётиб: «озгина харажати бор, тезроқ топиб бермасангиз бўлмайди» деб қолди. Кўп жойларга мурожаат қилиб иш топа олмаганлигим учун, ўғлим номидаги уйни сотиб пулини берганимга ҳам бир йил бўлаяпти. Кейин билсам, мени лақиллатиб юрган экан...

– Бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакилларига мурожаат қилмадингизми?

– Мени алдаб юрганлиги, пулимни олиб иш бермаганлиги учун тегишли идораларга мурожаат қилмоқчилигимни айтганимда, пулни тез орада қайтаришини, бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демаслигимни илтимос қилди. Андиша қилиб унинг гапига ишониб келдим. Лекин қаттиқ янглишганимни энди тушуниб етдим.

Биз фуқаро М.Файзуллаеванинг хати нечоғлик тўғрилигини билиш мақсадида Нуристон кўрғончасида бўлдик. Қарангки, Талимаржон иссиқлик электр станцияси қурувчилари яшайдиган муҳташам ва чиройли шаҳардан коммунал хизмат кўрсатиш идорасини топиш анча қийин кечди. Негаки, корхона фаолият юритаётган бинода унинг номини акс эттирувчи ёрлиқ қўйилмаган.

...Бошлиқдан хатга дахлдор ҳужжатларни, жумладан Меҳринисо Файзуллаеванинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқни сўраганимизда қуйидаги мазмундаги маълумотномани тақдим этди:

«Буйруқ №96,15 май, 2003 йил.

Қашқадарё вилояти коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмасида ишчи кучи етишмаганлиги сабабли вақтинчалик бош ҳисобчи муовини вазифасига Файзуллаева Меҳри тайинланган ва шартнома бекор қилинганда ишдан озод этилиши кўрсатилган.

Буйруқ аслига тўғри.»

Биз буйруқлар дафтарини қўлга олиб, юқоридаги буйруқни излаб тополмадик. Қизиқ, ўта муҳим ҳужжат ходимлар бўлими хонасидаги стол ғаладонига ташлаб қўйилган. Ваҳоланки, у темир сандиқда сақланиши керак. Хонага кирган ҳар бир киши бу ердаги ҳужжатларни бемалол титкилаши мумкин. Шунингдек, «Приказ дафтари» (дафтар муқовасидаги ёзувни айнан келтирдик – Ш.С)даги буйруқлар шунчалик хатоликлар билан тўлғазилганки, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. М.Файзуллаеванинг ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқни топаолмадик. Савол туғилади: «корхона раҳбари Норқобиловни нотўғри маълумотнома тақдим этишга нима мажбур қилди?

Буйруқлар дафтарини варақласангиз, меҳнат қонунларига тўғри келмайдиган, бир-бирига зид ёзувларни учратасиз. Шунингдек, бу муҳим ҳужжатда айрим рақамлар ва ёзувлар ўзгартирилган. Бошлиқнинг бизга тақдим этган маълумотномаси буйича буйруқ махсус дафтарда қайд этилмаган бўлса-да, М.Файзуллаева битта буйруқ билан ҳам ишга қабул қилиниб, ҳам бўшатилган. Бунақаси кам бўлади!

Корхона раҳбарининг 2004 йил 8 апрелдаги 84-сонли буйруғи бизни ғоятда ўйлантирди.Таажжубки, унга асосан меҳнат таътилида бўлган 11 нафар ходим уларнинг розилигисиз ишдан озод этилганлиги қайд қилинган. Лекин бу масала корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси йиғилишида муҳокама қилинмаган. Унда ходимлар таътилдан вақтида қайтмаганлиги ва бошлиқ буйруғи асос қилинган. Бир эмас, ўндан ортиқ инсон тақдирига шунчалар муносабатда бўлиш Норқобиловнинг иш услуби, кимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Аризачи М.Файзуллаева ҳамда Т.Норқобиловлар билан мулоқот пайтида бошлиқ опадан ҳеч қанақа пул олмаганлигини айтди. Опа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилмоқчи эканлигини айтганидан сўнг, Тўрақул Норқобиловнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Маълум бўлишича, корхона раҳбари нафақат опадан, балки унга ўхшаган соддадил бир неча кишини «ишга киритиш» баҳонасида лақиллатиб, чув тушириб келган экан. Эътиборингизга Омондавлат Хўжанов, Сайдулла Ҳақназаровларнинг дилномаларини келтирамиз.

«Мен Хўжанов Омондавлат, коммунал хизмат кўрсатиш корхонаси бошлиғи Норқобилов Тўрақулга бирор ишга жойлаштириш учун 60 минг сўм бердим. Лекин пулимни ўзлаштириб кетди. Ойлик маошимни сўраганимда ишдан ҳайдади.»

«Мен Ҳақназаров Сайдулла, коммунал хизмат кўрсатиш корхонаси бошлиғи Норқобилов Тўрақул сенга янги трактор бераман, лекин озгина харажати бор, деганида 100 минг сўм пулни нақд келтириб бердим. Аммо тракторнинг на янгисига ва на эскисига эга бўлдим. Пулимни сўрасам турли баҳоналарни рўкач қилиб, ҳалигача алдаб юрибди.»

Норқобиловнинг найранглари ҳақида кўп гапириш мумкин. Ишчиларнинг ойлик маошини ғазначи эмас, балки раҳбар бўла туриб қоидага зид равишда ўзи тарқатганлигидан фойдаланиб, қатор молиявий қонун бузилишларга йўл қўйган. Жумладан, Ўктам Хуррамовга 15 минг сўмлик тўлов ведомостига имзо чектириб, атиги 4,5 минг сўм пул берган. Шунингдек, унга 6 минг сўм маош бериб, сўнг тўлов ведомостини «18.000»га ўзгартириб қўйган. Худойберди Солиев, Жўра Сагдиевлар ҳам ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлиқ олмаганликлари ҳақида афсусланиб гапиришди ва ёзма маълумотнома тақдим қилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, аҳоли хонадонларидан чиқаётган чиқиндиларни юклаш учун ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмагани ҳолда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга хўжасизларча муносабатда бўлинмоқда. «Нуристон» поликлиникаси бош врачи Хушмурод Итолмосовнинг таъкидлашича, корхона ишчи-хизматчилари Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 300-сонли буйруғига асосан йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари лозим бўлса-да, шу пайтгача бу иш амалга ошмаганлиги учун корхона раҳбари номига огоҳлантириш хати жўнатилган. Ишчи-хизматчиларнинг яхши меҳнат қилишлари учун аввало уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур. Лекин афсуски бу ерда ишчи-ходимларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари чекланмоқда.

Шуниси ажабланарлики, бу ерда меҳнат қонунлари талаблари қўпол равишда бузилаётган бўлса-да, атрофдагилар кўра-била туриб кўрмаганга олишган. Корхона касаба уюшма қўмитаси камчиликларни ўз вақтида очиб ташлаганда эди, ишлар бу даражада чигаллашиб кетмаган бўларди.

– Мен ариза ёзмасамда «Ишига совуққонлик билан қараганi учун» деб эгаллаб турган вазифамдан озод қилиб, ўрнимга Фарида Тангриевани қабул қилди, - дейди Гулбаҳор Исматова. – Иложсизликдан бошқа ерга ишга ўтишга мажбур бўлдим.

Кўриниб турибдики, бу ерда Меҳнат Кодекси талаблари бузилган. Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 30 нафар ишчи-хизматчилар ойлик маошларини ўз вақтида ололмай, овора-ю сарсон бўлиб юришибди. Ишчининг кайфияти бўлмаса, моддий жиҳатдан рағбатлантирилмаса. ўз-ўзидан маълумки, ишда на сифат, на суръат бўлади.

*«Ишонч» фош этади*

Корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисидан юқоридаги қонун бузилишлари ҳақида сўраганимизда унинг гаплари кишини таажжублантирди.

– Корхона раҳбари «сени бугундан бошлаб профсоюзга раис этиб тайинладим», деганида тўғриси ажабландим, - дейди корхона раҳбарининг муовини Мусо Кулматов.

– Ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда жамоа шартномаси талаблари бажарилаяптими?

– Жамоа шартномаси нима ўзи? - Саволимизга савол билан жавоб берди у...

Наҳотки, касаба уюшма етакчиси раҳбар томонидан тайинланиб эмас, балки аъзолар томонидан сайланиши кераклигини Норқобилов тушуниб етмаган бўлса? Шунинг учун ҳам иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Раҳбарга «сиз нотўғри йўл тутяпсиз, адолатсизлик қилаяпсиз,» дейдиган мард йўқ.

Бугунги кунгача корхонада бош ҳисобчи ва ходимлар бўлими бошлиғи 3 марта алмаштирилди. «Нуристон» ва «Бўстон» уй-жойлар ширкатида истиқомат қиладиган 1400 дан ортиқ хонадондан атиги 400 таси чиқиндиларни чиқариш юзасидан шартнома тузган.

Талимаржон иссиқлик электр станцияси шўъба корхонаси хизмат учун 1 миллион сўмдан ортиқ дебитор қарз бўлиб турибди. Биз яқиндагина иш бошлаган бош ҳисобчи Олим Зоитов билан суҳбатлашганимизда, шундай деди:

– Неча йил ҳисобчилик қилиб, бундай қонунбузилишларга дуч келмаган эдим. Тўғриси, ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётганлигини кўриб, сабрим чидамади. Юқоридаги нохуш воқеалар ҳар қандай виждонли киши қалбини жунбушга келтиради.

Бош ҳисобчи имзо чеккан билдириш хатидан айрим сатрлар:

«...Шу вақт ичида Нуристон шаҳарчасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида қатор камчиликлар мавжуд, - деб ёзади бош ҳисобчи. – Йилни зарар билан якунлаган корхона банкротлик даражасига келиб қолган. Раҳбар иш ҳақи ҳажмини ҳисобга олмасдан турли вазифаларга ортиқча ишчи кучи қабул қилган. Бундан ташқари, Талимаржон иссиқлик, электр станцияси дирекцияси томонидан корхона Устав жамғармасига ўтказган 1 миллион сўмнинг 730 минг сўмини ишчи-хизматчиларга ойлик маош тўлаш учун савдо дўконига ўтказиб, товар ўрнига нақд пул олиб, янги йил совғалари ва ойлик маошга 245 минг сўм тарқатилди, деб тўлов ведомостига 40 киши номига ёзилган сумма тўлиқ тарқатилмаганини ишчи-хизматчилар тасдиқлайдилар. Бундан ташқари, аҳоли чиқинди учун тўплаган пуллар банкка топширилмасдан тўғридан-тўғри ишчилар ойлик маошига тўлаб юборилиб, молиявий интизом бузилишига йўл қўйилган.

2003 йил май ойидан 2003 йил 31 декабригача корхонанинг жами дебитор қарзи 2 миллион 820 минг сўмни ташкил этган. Агар бу рақамни 2004 йилнинг 1 январидан 30 апрелигача ҳисоблайдиган бўлсак, 870 минг 520 сўмни ташкил этади. Кредиторлик қарзи 1 миллион 122 минг сўм. Бундай рақамларни яна давом эттириш мумкин. Ўйлаймизки, Т.Норқобиловнинг найранглари хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз сўзларини айтадилар.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» махсус мухбири**

## Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради



***САВОЛ: Таътиллар вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.***

**Н.САПАРБОЕВ,**
**Тўрткўл тумани**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш Тартиби»га биноан таътиллар вақтига ҳақ тўлаш мақсадида ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш учун ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Бунга ҳисоблаш давридаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган маблағнинг (яъни иш бай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловларнинг) ўн иккидан бири (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бири; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бири ва ҳоказолар; ўрта махсус ва ҳунар техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ўндан бири) қўшилади.

Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланмайдиган тўловлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк томонидан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1333 рақам билан рўйхатга олинган Низомнинг биринчи иловасида келтирилган. Бу қуйидаги тўловлар:

1. Ишлатилмаган таътил учун компенсация;
2. Ишдан бўшатиш нафақаси;
3. Моддий ёрдам тарзида тўланадиган ҳар хил пуллик тўловлар;
4. Компенсация тўловлари (хизмат сафари бўйича суткалик харажат пуллари ёки суткалик харажат пуллари ўрнига бериладиган тўловлар, ходимлар саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқа тарзда шикастланишини қоплаш тўловлари;)
5. Ходимларнинг айрим тоифаларига бепул бериладиган уй-жой, коммунал хизматлар, ёнилғи, йўл чипталари нархи ёки уларни қопаш қийматлари;
6. Ходимга берилган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқат қийматлари;
7. Бепул овқатланиш қиймати;
8. Овқатланиш учун дотациялар, санаторий-курортларда даволанишга ва дам олиш уйларига йўлланмалар қиймати, турғун ва амбулатория даволаниш харажатлари тўловлари;
9. (Ходимга корхона томонидан тўланадиган) бошқа ҳудудга ишлаш учун кўчиб ўтиш билан боғлиқ йўлкира, мол-мулкни олиб бориш, уй-жойни ижарага олишни қоплайдиган харажатлар;
10. Доимий иш йўлда ёки кўчиб юриш, шунингдек, хизмат юзасидан юриш билан боғлиқ бўлганда суткалик харажат пуллари ўрнига иш ҳақига тўланадиган қўшимча ва устамалар;
11. Тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига ўтказиладиган ҳақ тўланмайдиган иш кунларидаги (шанбаликлар ва ҳоказо) меҳнат учун иш ҳақи;
12. Юбилей саналари, туғилган кунлар, кўп йиллик ва ҳалол меҳнат фаолияти, жамоат ишларидаги фаоллиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда иш ҳақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) ҳисобидан амалга ошириладиган рағбатлантириш тўловлари (мукофотлар);
13. Мусобақалар, кўрик-танловлардаги совринли ўринлар учун бериладиган пуллик мукофотлар;
14. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган ўқувчиларга корхона ва ташкилотлар томонидан тўланадиган стипендиялар;
15. Олий ёки ўрта махсус билим юртини битиргандан сўнг бериладиган таътил учун ёш мутахассисларга корхона, муассаса, ташкилот ҳисобидан тўланадиган ёрдам пуллари;
16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий нафақа ва пенсиялар.

## «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради



***САВОЛ: МКнинг 286-моддасида ҳомиладорлик ва туғиш таътили 126 календар кунга берилиши ҳамда таътилнинг тўлиқ даврига тўланиши ёзилган. Бироқ корхона ва ташкилотларда касаллик варақасида кўрсатилган барча кунлардан дам олиш ва байрам кунлари чиқариб ташлаб ҳисобланади. Шу тўғрими?***

**М. ШЕРҚЎЗИЕВ,**
**Поп тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 233-моддасига мувофиқ аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққанидан кейин эллик олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда - етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисобланади ва туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланганидан қатъий назар аёлга тўлиқ берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелидаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган ва 2002 йилнинг 8 майида 1136-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом» (кейинчалик «Низом» деб аталади)га мувофиқ берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Адлия вазирлигида 2000 йил 19 январда № 873-сон билан рўйхатдан ўтган «Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва маълумотнома бериш тўғрисида Йўриқнома» (кейинчалик «Йўриқнома» деб аталади)-да белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади. Йўриқномага асосан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси календар кун ҳисобидан берилади.

Низомга мувофиқ ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Ходимга тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшиб аниқланади.

Агар ходим муассасада 12 ойдан кам ишлаган бўлса, нафақа меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан бериладиган таътилга қадар ишланган вақтнинг кунлик ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи суммасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик рўй берган ойдаги барча иш кунларига бўлиш йўли билан аниқланади. Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) туфайли ишда бўлмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан белгиланади.

Низомга асосан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўланади.



Янгибозор тумани марказий шифохонасига қарашли «Жайҳун» қишлоқ врачлик пунктида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда саккиз нафар тиббиёт ходими 1400 дан зиёд кишиларга беминнат хизмат қилмоқда. Яқинда шифо масканига жаҳон банки томонидан «Саломатлик - 2» дастурига асосан 25 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар берилди.



**Суратларда: бош шифокор Б.Матназаров ва ҳамшира И.Каримова; ҳамшира Д.Дўсанова**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Давлат муассасалари ва жамоат хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Наманган вилояти вакиллиги ташаббуси билан жамоа шартномасига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.***

Унда Республика Меҳнат Кодекси меҳнат муносабатларини шакллантириш ва уни бекор қилиш хусусиятлари масалалари юзасидан мулоқот ўтказилди. Шунингдек, семинар-ўқувида иштирок этган туман, шаҳар банк, солиқ тизимлари вакиллари, ушбу тузилмалардаги бошланғич касаба уюшма фаоллари, ҳуқуқшунослар меҳнат муносабатларини шакллантириш ва уни бекор қилиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Тадбирда вилоят касаба уюшма кенгашининг раиси П.Паёзов иштирок этди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ**

## ҚУРУВЧИЛАР МАНФААТДОР

Сариосиё туманидаги «Тўполанг сув омбори ва ГЭС қурилиши» масъулияти чекланган жамиятни қурувчилари Наманган вилоятида қуриладиган «Резаксой сув омбори» қурилиши танловида қатнашиб ғолиб бўлишди. 2003 йил якунида бўлиб ўтган танловда бу ерда бажарилиши лозим бўлган биринчи босқичини қуриш бошланиб кетди. Бугунги кунда жамиятнинг кўплаб техника воситалари билан бирга 240 нафар ишчи-ходимлари икки сменада иш олиб боришмоқда. Ишчилар 730 кун мобайнида 50 миллион метр куб сиғимга эга қурилиш ишларини битказишлари лозим.

Бугунги кунда жами 690 нафарга яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилаётган масъулияти чекланган жамият бир нечта қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан довруғ қозонган. «Тўполанг сув омбори» қурилишининг 95 фоизи, «Шўртан-Шеробод» газ тармоғи қурилишида пудратчи сифатида 27 фоиз, «Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида ҳам кўмакчи бўлиб 18 фоизли бунёдкорлик ишларини бажаришди.

Корхона ишчиларининг моддий манфаатдорликлари ҳам чакки эмас. Уларнинг ижтимоий ҳимояси касаба уюшма қўмитаси ва маъмуриятнинг доимий эътиборида.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Эл соғлиғи - юрт бойлиги*

## ҚИШЛОҚДА НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Охунбобоев номли қишлоқ врачлик пункти Шўрчи туманидаги энг намунали шифо масканларидан ҳисобланади. ҚВП Янгиариқ, Тўла, Култепа ва Гулистон маҳаллаларида яшовчи 11103 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда 6 нафар шифокор ва 22 нафар ҳамшира эл саломатлиги йўлида кунни тунга улаб, меҳнат қилишмоқда.

- Энг аввало, биз касалликни даволашдан ҳам кўра унинг олдини олишга асосий эътиборни қаратяпмиз, - деди ҚВП мудири Тўйчи Жангиров. - Шу мақсадда кишилар ўртасида мунтазам равишда тиббий тушунтиришлар, бола парвариши бўйича ёш оналарга маслаҳатлар бериб борилмоқда. Одамларни соғлом турмуш тарзига одатлантиришда ҳудуддаги боғча ва мактаблар, бевосита хонадонларда тарғибот ишларини олиб бораётганимиз ўз самарасини бермоқда.

Пункт аҳоли саломатлигини жиддий назоратга олган. Кишилар йилда икки марта тиббий кўрикдан ўтказиб турилмоқда. Ҳозирда 909 нафар бемор ҳар хил касалликлар бўйича ҳисобда турибди. Шунингдек, ҳудудда яшовчи 2900 нафар туғиш ёшидаги аёллар соғлиғи доимий эътиборда.

Шифокорларнинг маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бориши ҚВП фаолияти самарадорлигини янада оширмоқда. Бу билан улар касаллик келиб чиқишидаги ижтимоий омилларнинг ҳам илдизини қирқишга муваффақ бўлишмоқда. Айтайлик, хонадонларда турли сабаблар билан жанжалу нотинчликлар ҳукм суришдан инсон руҳи ҳам, жисми ҳам хасталикка учрайди. Қарабсизки, кечаги соғлом одам шифокор мададига муҳтожлик сезиб қолади. Бундай иллатларга қарши оммавий тарзда курашиш ниҳоятда қўл келмоқда.

Саломатлик посбонлари ҳар қандай вазиятда ўз касбига содиқликларини намойиш этишиб, кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз кексалар соғлиғи учун қайғуришмоқда. Тез-тез уларнинг хонадонларида бўлиб, сиҳатликларини назоратдан ўтказишяпти. Менгтурди Тошбоев, Мамаюсуф Абдураҳмонов, Эшпўлат Файзуллаев, Нафиса Шоймардонова сингари шифокорлар ва Ойбаланд Бекмуродова, Холбиби Соатова, Ойдин Қорабоева каби ҳамширалар хизматидан эл мамнун.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**


**«ЎЗПРИВАТБАНК» Ўзбек халқаро Банкининг кенгаши 2004 йил 29 июн куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 51-уй («Ўзприватбанк» биноси)да навбатдаги банк акциядорларининг ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.**
**Қатнашчиларни қайд қилиш – соат 14.30 дан бошланади**

**КУН ТАРТИБИ**

*1.«Ўзприватбанк»нинг 2003 йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш ва 2004 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида.*
*2.2003 йил фаолияти натижалари тўғрисидаги банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*
*3.Банкнинг 2003 йил молия ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойдалар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини «Прайсвотерхаус-Куперс» аудиторлик компанияси хулосаси бўйича тасдиқлаш.*
*4.Банкнинг 2003 йилда олган фойдасини тақсимлаш.*
*5.Банк Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномани тасдиқлаш.*
*6.2004 йилга банк ташқи аудиторини тасдиқлаш.*
*7.Банк Совети таркибига сайловлар.*
*8.Банк тафтиш комиссияси таркибига сайловлар.*
*9.Банк низом капиталини ошириш тўғрисида.*
*10.Банк низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.*
*11.Бошқа масалалар.*

**2004 йил 28 май ҳолатига акциядорлар реестирига киритилган акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга. Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 139-10-18, 120-63-08.**


# Информация о существенных фактах ОАО «Чинобод санаторияси»

**Вид Общего собрания акционеров -** годовое

**Форма проведения Общего собрания акционеров -** очная

**Дата проведения Общего собрания акционеров -** 14 мая 2004 год

**Место проведения Общего собрания акционеров -** г.Ташкент. Юнусабадский район ул.Обида Зокирова, 88

**Кворум Общего собрания акционеров -** 97,38%

**Дата составления протокола** - 24 мая 2004 года

**Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним:**

**1. Утверждение годового отчета по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества за 2003 год.**
За - 368092 голосов
против - нет
Воздержались - нет
Принято: единогласно 100 % голосов

**2. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2003 год.**
За - 368092 голосов
Против - нет
Воздержались - нет
Принято: единогласно 100 % голосов

**3. Утверждение аудиторского заключения, отчета ревизионной комиссии по результатам проверки финансово - хозяйственной деятельности ОАО «Чинобод санаторийяси» за 2003 год**
За - 368092 голосов
Против - нет
Воздержались - нет
Принято: единогласно 100 % голосов

**4. Утверждение распределения прибыли за 2002 год.**
За - 368012 голосов
Против - нет
Воздержались - 80 голосов
Принято: Большинством в 99,9% голосов

**5. Утверждение бизнес-плана на 2004 год.**
За - 368072 голосов
Против - 20 голосов
Воздержались - нет
Принято: Большинством в 99,9% голосов

**6. Утверждение решения о проведении аудиторской проверки, аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг на 2004 год.**
За - 368042 голосов
Против - нет
Воздержались - 50 голосов
Принято: Большинством в 99,9%

**7. Утверждение Устав в новой редакции**
За - 368042 голосов
Против - нет
Воздержались - 50 голосов
Принято: Большинством голосов в 99,9 %

**8. Утверждение Положений об общем собрании, о наблюдательном совете и испольнителном органе и ревизионной комиссии**
За - 368062 голосов
Против - нет
Воздержались - 30 голосов
Принято: Большинством голосов в 99,9 %

**9. Выборы Наблюдательного совета** (кумулятивное голосование кол-во голос. акций х на число кандидатов - 7)
За - 2576504 голосов
Против - 140 голосов
Воздержались - нет
Принято: Большинством голосов в 99,9 %

**10. Продление договора о найме с председателем Правления на 2004 год**
За - 367748 голосов
Против - нет
Воздержались - 50 голосов
Принято: Большинством в 99,9% голосов
Примечание: по данному вопросу не голосовали акции, принадлежащие избираемому кандидату. (294 шт)

**11. Выборы ревизионной комиссии.**
За - 367888 голосов
Против - 20 голосов
Воздержались - 134 голосов
Принято: Большинством в 99,9%

**Примечание: по данному вопросу не голосовали акции, принадлежащие избираемым кандидатам. (50 шт)**

**Принятые решения:**

Общее собрание акционеров ОАО «Чинобод санаторияси» решило:

1. Утвердить годовой отчет по итогам финансово - хозяйственной деятельности за 2003 год.
2. Утвердить бухгалтерский баланс, счет прибылей и убытков за 2003 год.
3. Утвердить аудиторское заключение, отчет ревизионной комиссии по результатам проверки финансово - хозяйственной деятельности ОАО «Чинобод санаторияси» за 2003 год.
4. Утвердить следующее распределение прибыли: 5% прибыли - 1433,0 тыс.сум. направить в резервный фонд, оставшуюся часть прибыли 27428,0 тыс. сум. на приобретение медицинской аппаратуры.
5. Утвердить бизнес - план на 2004 год.
6. Утвердить аудиторскую организацию на 2004 год «VOJIB AUDIT», утвердить предельный размер услуг аудиторской организации в сумме 2000000 сум.
7. Утвердить Устав общества в новой редакции.
8. Утвердить внутренние положения ОАО «Чинобод санаторияси», «Об Общем собрании акционеров», «О Наблюдательном совете», «Об Испольнительном органе», «О Ревизионной комиссии»
9. Считать избранными в состав Наблюдательного совета
   1. Расулов. М.М
   2. Юлдашев. А.А
   3. Садыков. М.М
   4. Эсонбоев. Ш.Э
   5. Мухитддинова. О.А
   6. Раджабов. Э.Р
   7. Исмаилова. М.С
10. Продлить договор о найме с Председателем правления ОАО «Чинобод санаторияси» Мубораковым Хусан Ходжиевичем.
11. Считать избранным в состав Ревизионной комиссии:
   1. Яковлева. Л.П.
   2. Юсупалиева. Б.Х.
   3. Муминова. М.А.

**Список аффилированных лиц ОАО «Чинобод санаторияси» по состоянию на 14.05.2004 год**

| № | Наименование или Ф.И.О.аффилированного лица | Основание, по которому является аффилированным лицом | Кол-во голосующих акций | % от УФ | Дата, с которой является аффил.Лиц |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Совет Федерации профсоюза Узбекистана И.Н.Н 201685882 | Вышестоящая организация | 355506 | 94,05 | 05.02.2002г |
| 2. | Расулов. М.М | Член Наблюдательного Совета | 0 | 0,0 | 01.01.2003г |
| 3. | Юлдашев А.А | Представитель Совета Федерации профсоюз | 0 | 0,0 | 17.02.2003г |
| 4. | Раджабов Э.Р. | Член Наблюдательного Совета | 0 | 0,0 | 01.01.2003г |
| 5. | Мухитдинова О.А. | Член Наблюдательного Совета | 200 | 0,01 | 01.01.2003г |
| 6. | Содыков М. | Член Наблюдательного Совета | 0 | 0,0 | 01.01.2003г |
| 7. | Эсонбоев Ш.Э. | Член Наблюдательного Совета | 0 | 0,0 | 01.01.2003г |
| 8. | Исмоилова М.С. | Член Наблюдательного Совета | 0 | 0,0 | 01.01.2003г |
| 9. | Мубораков Х.Х | Председатель Правления | 294 | 0,07 | 01.01.2003г |
| 10. | Бабаханов Б.Б | Член правления Главный бухгалтер | 20 | 0,005 | 01.01.2003г |
| 11. | Мадаминова М.А. | Член правления | 213 | 0,06 | 01.01.2003г |
| 12. | Иргашев Р.А. | Член правления | 200 | 0,01 | 01.01.2003г |

